

# ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

**Асатуллаева Феруза Нигматовна**

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

*Таълим тарбия назарияси ва методикаси*

*(Технологик таълим) йўналиши магистри*

**Аннотация:** Ушбу маколада Уқитувчи машғулотларни педагогик технология буйича лойихалашда куйидагиларга амал килиши кераклиги хакида, Илғор педагогик тажрибага уч хил асосий ёндошув мавжудлиги хакида, суз боради.

**Калит сузлар:** технология, укутувчи, таълим, тажриба, машгулом, лойиха, курсатма.

Илғор педагогик технология буйича укув машғулотини лойихалашда уқитувчининг тайёргарлиги мухим хисобланади. Кузатиш ва тахлиллардан маълум булишича, бу фаолиятда уқитувчилар жиддий кийинчиликка учрайди ва бу улардан юкори малака хамда тажрибага эга булишни талаб килади. Чунки бунда аник курсатмалар тузиш нисбатан купрок ижодий ёндашишни талаб килади.

Тажрибали уқитувчи томонидан таълим олувчиликнинг укув машғулотидаги мухим жойлари, кайси жойини эслаб колиш, кайси жойидан шунчаки хабардор булиши кераклиги аникланади. Укув машғулотининг кандай булиши уқитувчининг ижодкорлиги ва маҳоратига боғлик.

Укув машғулотларини ташкил этиш ва утказиш буйича килинадиган ишлар асосан икки кисмдан иборат булиши лозим: машғулот лойихасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш. Машғулот лойихасини тайёрлаш уқитувчи туга олиш фаолиятининг маҳсули булиб, катор умумий хусусиятларга эга. Лойиха асосида уқитувчи ва таълим олувчиликнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади.

Машғулот лойихаси маълумот мазмунини Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тахлил этишдан бошланади. Тахлил маълумот мазмунни элементлари (билим, қунишка ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда кандай берилганлиги, дарсликларда кандай акс эттирилганлигига каратилади. Кейин машғулот мавзуси мазмунни урганилади, у ёки бу мавзуни урганишдан кузда тутилган максад, таълимнинг дидактик





максади, уқитувчи ва таълим олувчилар максади, максадларни амалга ошириш ва хисобга олиш варакалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар буйича утказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати боскичлари, эталон даражасида узлаштириш усули олдин-дан белгилаб куйилади.

Замонавий педагогик технология таълим максадини аник урнатишдан бошлаб, то унинг натижаларини баҳолашгача булган боскичларнинг хар бири учун ижодий фаолиятни талаб этиди. Уқитувчи машғулотларни педагогик технология буйича лойихалашда куйидагиларга амал килиши муҳим хисобланади: укув машғулоти бошида таълим олувчиларда утиладиган мавзуни урганишга нисбатан кизикиш ўйғотиш; машғулот укув

максадларини уларга эълон килиш, зарур булса, уларга узгартиришлар киритиш; машғулотни укув фаолиятини ташкил этиш шакллари билан алмаштириб туриш; маъруза ва амалий машғулотларда укиш ва ёзиш оркали танқидий фикрни ривожлантириш ҳамда мавзу учун танлаб олинган интерфаол усуллардан фойдаланиш ва бошкалар.

Мавзуни лойихалашда, унинг номининг мазмуни, унга ажратилган соат, уқитувчи ва таълим олувчи максадлари, турли шаклдаги топшириклар, таянч тушунчалар, уқитувчининг таълим олувчи укув фаолиятини бошқаришининг услуги ва шакли, уқитишнинг график ва техник воситалари, ташхислаш усуллари кабилар курсатилади.

Педагогик тажриба тарбиячилар томонидан амалий иш жараёнида эгалланган билим, малака, кўникмалар асосида аниқланиб, педагогик маҳорат, педагогика фани тараққиётининг асосий манбааларидан бири сифатида талқин қилинади. Болалар таълим-тарбиясида янги имкониятлар очадиган, таълим-тарбиявий ишни шакллантиришда янги шакл, услугуб ва усуллардан фойдаланган ҳолда ижодий натижага эришадиган тажрибани илғор иш тажрибаси деб аташ мумкин.

Педагогикага оид адабиётларда 40 га яқин «Илғор педагогик тажриба» тушунчалари мавжуд. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси педагогик жараённи мақсадга йўналтирувчи, юқори кўрсатгичларга эришишга таъсир кўрсатувчи бир восита сифатида талқин қилинади. Илғор педагогик тажрибага уч хил асосий ёндошув мавжуд. Улар: -Намуна сифатида бошқа педагоглар ишларига нисбатан яхши натижа кўрсатувчи педагогнинг ўз иш тажрибаларига ёндошиш;



-Илмий текшириш ва тажриба –синов ишларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган, яхши натижаларга эришадиган фаолиятлариға ёндошиш;

-Янги, ноёб билимлар яратувчи ижодий изланувчи ижодкор педагогларга ёндошиш.

Илғор иш тажрибаларни излаш, ўрганиш, умумлаштириш, амалиётта тадбиқ этиш ва оммалаштириш – буларнинг ҳаммаси катта тарбиячи ёки мудиранинг асосий иш жараёнлари босқичларидир. Бу босқичлар қўйидагилардир:

Биринчи босқич. Бу босқичда педагогик жараён кузатилади. Кузатиш даврида тарбиячиларнинг илғор иш тажрибалари, алоҳида педагогларнинг яхши ишлари аниқланади.

Иккинчи босқич. Бу босқичда тўпланган тажрибаларни умумлаштириш лозим. Катта тарбиячи педагогга бор далилларни таҳлил қилишга, иккинчи даражали нарсалардан асосийини танлашга ёрдам беради. Бунда тажрибанинг назарий асосланиши катта аҳамиятга эга. Мантиқий усуллардан тўғри фойдалана билиш тўғри натижа чиқаришга ёрдам беради. Учинчи босқич. Бу босқичда илғор иш тажрибаларини амалиётта тадбиқ этиш ва оммалаштиришdir. Биргина мактабгача таълим муассасаси ўз тарбиячиларининг илғор иш тажрибаларини излаши, топиши, ўрганиши, умумлаштириши ва оммалаштириши ёки бошқа тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини шу муассаса ҳаётига тадбиқ этиши мумкин. Амалиётда қўллаш учун танланган илғор иш тажрибалари танлашда қўйидаги мезонларга аҳамият бериш лозим.

-Унинг долзарблиги;

-Дастуралмалилиги;

-Кўллаш учун шарт-шароитнинг яратилганлиги;

-Тажрибанинг яхши натижага олиб келиши;

-Эришилган натижанинг турғунлилиги.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

1. Арзиқулов А.У. Интерфаол усуллар. -Самарқанд, 2003.
3. Илғор педагогик технология нима ва уни қандай қилиб ўқув жараёнида қўллаш мумкин. -Ma'rifat nuri газетаси, 20 сентябр 2007 йил.
4. Имомов Х.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш фани бўйича таълим технологияси. -Тошкент: ТДИУ, 2006.



- 
5. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2006.
  6. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Тошкент, 2005.
  7. Каримжонов И.А. ва бошқ. Янги педагогик технологиялар. -Тошкент, 2002.

